

## У зот соллаллоҳу алайҳи васалламга тошу дарахтнинг салом бериши



19:10 / 07.12.2017 3504

2723. Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Албатта, мен Маккада бир тошни билурман. У менга (пайғамбар этиб) юборилишимдан олдин салом берар эди. Албатта, уни ҳозир ҳам танийман», дедилар».**

*Муслим ва Термизий ривоят қилганлар.*

*Термизийнинг лафзида:*

**«Маккада бир тош бор. У менга (пайғамбар этиб) юборилган кечаларимда салом берар эди. Албатта, уни ҳозир ҳам танийман», дедилар» дейилган.**

2724. «Али розияллоҳу анҳу:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Маккада эдим. Унинг баъзи четларига чиқдик. У зотга дуч келган тоғ ҳам, дарахт ҳам, албатта, «Ассалому алайка, йаа Расулаллоҳ» дер эди», деди».**

*Термизий ривоят қилган. Аллоҳ олий ва билгувчироқдир.*

**Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф**

*(Ҳадис ва ҳаёт китобидан)*